

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Раҳматов Хуршид Толиддин ўғли

ТДШУ мустақил изланувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Араб давлатлари ўртасидаги ўзаро сиёсий, иқтисодий манфаатлар мажмуасини аниқлашга ҳаракат қилинади ҳамда бу муносабатларни рўёбга чиқариш учун ҳар икки томоннинг сай-ҳаракатлари кўриб чиқилади.

Таянч сўз ва иборалар: Марказий Осиё, Араб давлатлари, Уммавийлар халифалиги, Советлар ҳокимияти, сиёсий ҳамкорлик, Араб давлатлари.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются политические и экономические интересы между Республикой Узбекистан и Арабскими государствами, их взаимное взаимодействие а также особенности и характер этих отношений с обеих сторон.

Ключевые слова: Центральная Азия, арабские государства, Холифат Омейядов, советская власть, политическое сотрудничество.

ABSTRACT

This article discusses the political and economic interests between the Republic of Uzbekistan and the Arab states, their mutual interrelationship as well as the specifics and nature of these relations on both sides.

Key words: Central Asia, Arab states, Holifat Omeyadov, Soviet Union, political cooperation.

КИРИШ (INTRODUCTION)

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик алоқалари билан икки томонлама муносабатлар ривожланишининг асосий йўналишларига шарҳ берилади. Ана шу муносабатларга таъсир ўтказадиган муаммо ва омиллар бор мураккаблиги билан баён этилади ҳамда ўзаро муносабатларни фаоллаштириш ва кенгайтиришга кўмаклашиши мумкин бўлган бир қатор тавсиялар берилади.

Бу йўналишда араб тилида амалга оширилган салмоқли илмий ишлар ва лойиҳалар қаторида Шоҳ Рустам Шоҳ Мусаровнинг Саудия Арабистонининг Ўзбекистон билан¹, Иброҳим Арофат², Салих Ар-Раджахи³ ҳамда Мухаммад

¹ شاه موساروف ، شاه رستم. علاقات المملكة العربية السعودية مع الجمهوريات الاسلامية في وسط آسيا و القوقاز (أوزبكستان - قازاقستان - أذربيجان).
م 2002

С.Салим каби сиёсатшуносларнинг араб давлатларининг Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон билан муносабатларига оид тадқиқотларини, Мисрдаги “Осиё тадқиқотлар маркази” томонидан тайёрланган Мисрнинг Ўзбекистон билан⁴, Алаа Фаруқнинг замонавий Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар ҳақидаги илмий ишларини⁵ алоҳида эътироф этиш мумкин. Шунингдек, араб-ўзбек ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиш босқичлари ва дастлабки даври ҳақидаги материаллар араб давлатларининг ташаббуси билан ўтказилган бир қанча илмий амалий семинарлар натижалари сифатида нашр қилинган тўпламларида ҳам жамланган. Хусусан, 1992 йил Миср Араб Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Дипломатик тадқиқотлар институти” томонидан ўтказилган семинар материаллари тўплами, 1993 йил Қоҳира университети қошидаги “Сиёсий тадқиқотлар маркази” томонидан ўтказилган Араб давлатларининг Россия ва Марказий Осиё республикалари билан алоқаларига доир семинар материалларининг илмий тўплами, 1993 йил “Ал-Аҳрам” Сиёсий ва стратегик тадқиқотлар марказининг Совет иттифоқи парчаланганидан сўнг араб давлатлари ва Марказий Осиё ҳамкорлигига бағишланган илмий тўплами ҳамда Саудия Арабистони ТИВ ҳузуридаги “Дипломатик тадқиқотлар институти” томонидан ўтказиб келинаётган араб дунёси ва Марказий Осиё республикалари ҳамкорлик алоқаларига доир 1992, 1996, 2014, 2017 йилларда ташкил қилинган халқаро анжуманининг илмий тўпламларида нафақат ҳамкорлик алоқаларига оид араб давлатларидаги таҳлилчиларнинг фикрларини шу билан бирга муаллифларнинг Ўзбекистон иқтисоди, савдо сармоявий имкониятлари, хавфсизлик масалалари ва сайёҳлик салоҳияти ҳамда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар ҳақидаги илмий таҳлилий ишлари билан танишиш мумкин.⁶

Ўзбекистон ва Араб давлатлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларида 1991-2000 йиллар ўзаро ўрганиш ва муносабатларнинг хусусиятларини белгилаш даври ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мазкур даврда араб давлатларида ва Ўзбекистонда ҳам ҳамкорлик алоқаларини таҳлил қилувчи салмоқли ишлар

² إبراهيم المطرف: "العلاقات الاقتصادية بين الجمهوريات الإسلامية في آسيا الوسطى والمملكة العربية السعودية"، في: ندوة مستقبل العلاقات العربية مع الجمهوريات الإسلامية في آسيا الوسطى. الرياض: معهد الدراسات الدبلوماسية، 1996.

³ صالح الراجحي. "الأوضاع الاقتصادية في جمهوريات آسيا الوسطى وأثرها على الجدوى الاستثمارية ومستقبل العلاقات التجارية مع دول مجلس التعاون الخليجي". // التعاون، العدد 11 (44) ديسمبر 1996.

⁴ محمد السيد سليم، شادي، عبد العزيز، خربوش، محمد صفي الدين. علاقات مصر بدول رابطة الدول المستقلة واليابان والبوسنة والهرسك ومقدونيا ومنغوليا. جامعة القاهرة. 2000 ص-236.

⁵ مشاهدات من رحلتي إلى أوزبكستان بلاد التاريخ والحضارة والحدائق. علاء فاروق.

⁶ Абд ал-Алим. Инхийар ал-Иттиҳад ас-Суфийатий ва таъсиратух ала ал-ватан ал-арабий, ал-Қаҳира. Марказ ад-дирасат ас-сийасийа ва ал-истратиджийа би ал-Аҳрам, 1993; “Ал-Ватан ал-Арабий ва Кумунвелс ад-дувл ал-мустақбал”, ал-Қаҳира: Маҳад ал-бухус ва ад-дирасат ал-арабийа. 1995; “Мустақбал ал-алақат байна ал-арабий ва дувал Асиа ал-Вуста ал-исламийа”, ар-Рийад: Маъҳад ад-дирасат ад-дипламумасийа. 1996.; منتدى الاقتصاد والتعاون العربي مع دول اسيا الوسطى وجمهورية أذربيجان أبوظبي في 13 مايو 2014.

бажарилди. Биз юқорида санаб ўтган мавзуга оид ишларнинг деярли барчаси 2000 йилгача бўлган даврда амалга оширилган ишлар ҳисобланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё халқлари ва араб давлатлари ўртасидаги ўзаро алоқалар, бу минтақага араб фотиҳларининг кириб келиши билан бошланади. Аксарият араб тадқиқотчиларининг мавзуга оид тадқиқотларида ҳамкорлик алоқаларининг тарихи айнан мазкур давр билан белгиланади. Хусусан, Сайид ас-Салим “Араб-ўзбек алоқалари эрамининг VII асрида Ўрта Осиё Уммавийлар халифалиги таркибига киритилган даврга бориб тақалади” деб ёзади⁷. Араб тилидаги адабиётларда Уммавийлар бошчилигидаги мусулмон қўшинларининг минтақага кириб келиши ва улар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ижобий жиҳатдан ва баъзан бирёқлама тасвирланади. Уларга кўра, араб саркардалари Ўрта Осиёга алоҳида аҳамият берганлар ва кўп ҳолларда тинч усуллардан фойдаланганлар, жумладан, ислом динини қабул қилган аҳолини жия ва хирож солиқларини тўлашдан озод қилганлар⁸. Шунга кўра, араб истилосини муғуллар ва Россия империяси ёки большевиклар босқини билан таққослаш мумкин эмас. Араб лашкарлари олиб кирган ислом дини Ўрта Осиё халқлари тараққиётида ижобий рол ўйнади, давлатлар, шаҳарлар, қабилалар ва турли халқларнинг бирлашишига ёрдам берди. Ислому тўғрисида айрим ижтимоий нуқсонлар барҳам топди⁹. Ҳамкорлик алоқаларининг тарихини уммавийларнинг минтақага кириб келиши ҳамда бу ҳодисани минтақа халқлари тарихида ижобий аҳамият касб этган деб ҳисобловчи муаллифлар кўпчиликти ташкил қилади. Хусусан, саудиялик Абдуқодир Муҳаммадҷон¹⁰, мисрлик Алаа Фаруқ Аҳмад¹¹ ва Аҳмад Табарик¹² кабилар шулар жумласидандир. Араб давлатларидаги тарихчиларнинг ўзаро алоқалар узок тарихга эга эканлигини исботлашган қаратилган мазкур далилларни ўзбек арабшуносларининг тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин. Хусусан, арабшунос олим З.Мунавваров ўз илмий ишларида ҳамкорлик алоқаларининг тарихи Уммавийлар даврига бориб тақалиши ҳақида ёзади¹³.

7. أ.د. محمد السيد سليم، أ.د. نعمة الله إبراهيموف، د. إبراهيم عرفة، د. صالح إنعاموف: أوزبكستان الدولة والقائد. القاهرة: مطابع الشروق، – 1999 (ص- 137)

8. بوربيوي أحمدوف. زاهد الله منوروف: العرب و الإسلام فى أوزبكستان: تريخ آسيا الوسطى من أيام الأسر الحاكمة حتي اليوم. بيروت – (ص- 1999 (78,83

9. بوربيوي أحمدوف. زاهد الله منوروف (1999) ص- 88,89

10. عابد قاري محمد جان. الجمهوريات الإسلامية من الظلمات إلى النور. فهرسة مكتبة الملك فهد الوطنية أثناء النشر. 1996 ع. ص- 188

11. علاء فاروق. مشاهدات من رحلتى إلى أوزبكستان بلاد التاريخ والحضارة والحداثة. القاهرة 2011

12. أحمد عبده طرايبك. أوزبكستان ومنابع الحضارة الإسلامية. القاهرة. 2017 م

13. Мунавваров З.И. Страны аравийского полуострова в международных политических и экономических отношениях XX века. – Ташкент, 1997.

Марказий Осиёда араб халифалиги тугатилиб, алоҳида далаатлар ташкил топганидан, токи, совет ҳокимияти ўрнатилганига қадар бўлган катта тарихий даврда ўзаро савдо ва маданий алоқалар давом этди. Советлар ҳокимияти ўрнатилиши билан эса минтақа мусулмонларини халқаро ҳамжамият, хусусан, мусулмон дунёсидан ажратиб қўйиш учун олиб борилган сиёсат натижасида, Марказий Осиё халқлари ва араб давлатлари ўртасидаги алоқалар узоқ йиллар тўхтаб қолди. Бу ҳақида саудиялик олим Мухаммад Носр ал-Аббуди “Совет иттифоқи ҳукмронлиги йилларида ислом динига қарши бошланган кураш сиёсати натижасида, минтақа мусулмонлари дунё мусулмон умматидан ажратиб қўйилди” – деб ёзади ¹⁴. Араб тилидаги нашрлардан бирида З.Мунавваров ҳам советлар даврида ўзбек-араб муносабатлари узулиб қолганлигини таъкидлаган. “Аввал чор истилоси, сўнгра большевиклар инқилоби оқибатида мамлакатимиз ва араб давлатлари ўртасидаги ҳар қандай бевосита алоқалар ўрнатиш имкониятига тўла барҳам берилди”.¹⁵

Янги халқаро тартибот шароитида мустақил Ўзбекистон ва Араб давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиш шарт-шароитлари хусусида Насиф Хиттии шундай ёзади “Ўзаро алоқалар халқаро майдондаги вазият мураккаб, ҳар икки минтақа ҳам ички муаммоларини баратараф қилиш учун курашаётган бир шароитда йўлга қўйилди. Минтақа давлатларининг мустақилликка эришиши араблар учун кутилмаган ҳол эди. Араб Давлатлари Лигаси 1992 йилнинг мартада ўз аъзоларини Ўрта Осиё республикалари билан алоқаларни фаоллаштириш, элчихоналар ва маданий марказлар очишга чақирган бўлишига қарамасдан алоқаларни ўрнатиш фаол тарзда кечмади, бунинг қатор сабаблари бор эди. Улардан энг муҳими араб давлатлари учун ечими қийин бўлган Форс кўрфази уруши (1990-1991) натижалари таҳлил эди”.¹⁶

Ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиш шарт-шароитлари ҳақидаги фикрлардан сўнг Ўзбекистоннинг араб давлатлари учун аҳамияти ҳам араб тилидаги ишларда ўзига хос тарзда талқин қилинган. Хусусан, Ўзбекистоннинг минтақадаги иқтисодий, маданий ва хавфсизлик нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга эканлигига, ўзбек миллати катта маданий ва стратегик салоҳият, юксак илмий имкониятлар, ҳарбий қудратга эга эканлигига, унинг атрофидаги мавжуд минтақавий кучлар ўртасидаги рақобат, Яқин Шарқдаги кучлар нисбатига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаслигига эътибор қаратилган.¹⁷

¹⁴ محمد بن ناصر العبودي. في بلاد المسلمين المنسيين بخارى وما وراء النهر. 1991 ص - 36

¹⁵ ندوة مستقبل العلاقات العربي مع الجمهوريات الإسلامية في آسيا الوسطى. الرياض: معهد الدراسات الدبلوماسية، 1996 ص 354

¹⁶ ندوة مستقبل العلاقات العربي مع الجمهوريات الإسلامية في آسيا الوسطى. الرياض: معهد الدراسات الدبلوماسية، 1996 ص 53

¹⁷ ندوة مستقبل العلاقات العربي مع الجمهوريات الإسلامية في آسيا الوسطى. الرياض: معهد الدراسات الدبلوماسية، 1996 ص 53

Сайд ас-Салимнинг фикрига кўра, Араб давлатлари билан Ўзбекистонни боғловчи умумий манфаатлар бор бўлиб, уларни умумлаштирган ҳолда, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин. Биринчи, Араб дунёси Ўзбекистон ташқи сиёсати вектори сифатида. Иккинчи, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар ҳамда Ўзбекистоннинг маданий ва цивилизациявий роли кабилар. Алоқалардаги умумий манфаатларга оид худди шу сингари мулоҳазаларни ўзбек сиёсатчиларининг мавзуга оид ишларида ҳам учратиш мумкин, хусусан С.Ғафуров ўз илмий ишида Ўзбекистоннинг араб давлатлари билан алоқалари ўзаро тенглик ва томонлар манфаатдорлигига асосланади. Араб дунёси Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ҳамкорларини диверсификацияси учун майдон сифатида кўрилади, шунингдек у, иқтисодий манфаатли алоқалар учун потенциал шерик¹⁸ эканлигини кўрсатиб ўтади. З.Мунавваров эса Ўзбекистон ва араб дунёси ўртасидаги сиёсий-иқтисодий ва маданий-маърифий алоқалар аҳамияти араб дунёсининг бугунги халқаро сиёсий-иқтисодий, маданий-илмий муносабатлар тизимида эгаллаб турган ўрни билан белгиланишини кўрсатади. Муаллифнинг фикрига кўра, араб дунёсининг халқаро ҳамжамият ҳаётидаги мавқеи эса ўта муҳим ва бу ҳол қатор аниқ омиллардан озиқланади¹⁹.

Ўзбекистон ва араб давлатлари ҳамкорлик алоқалари тарихига оид ишларнинг аксарияти айрим давлатлар мисолидаги таҳлиллардан иборат. Яъни тадқиқотларда бир томонда Ўзбекистон ва иккинчи томонда барча араб давлатлари эмас балки аксарият ишлар, Ўзбекистоннинг Миср, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари билан алоқаларига доир алоҳида тадқиқот ишлар ҳисобланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР (Conclusion/Recommendations)

Араб давлатларида Марказий Осиё дунё геосиёсатидаги муҳим минтақа, АҚШ, Россия ва Хитой сингари глобал ҳамда Эрон, Исроил ва Араб давлатлари каби минтақавий кучларнинг кураши майдони сифатида талқин қилинади. Минтақага оид илмий тадқиқотларда нисбатан кўп ўрганилган мавзулардан бир ҳам минтақанинг геосиёсий мавқеи ҳамда у ердаги рақобат муҳити билан боғлиқ масалалардир.

Тадқиқот давомида ўрганилган ишларда Марказий Осиёдаги барқарорлик ва Ўзбекистоннинг Араб давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларининг истиқболлари ҳақида ҳам хулосалар ва прогнозларни учратиш мумкин, унга кўра, жаҳонда ва Марказий Осиё минтақаси атрофида кузатилаётган геосиёсий кескин вазият, Яқин Шарқ ва Марказий Осиёдаги беқарорлик минтақа келажаги

¹⁸ С.Ғафуров: 244

¹⁹ Мунавваров З.И. Узбекистан и арабский мир: перспективы сотрудничества. Тошкент: Фан. - 1997. - С. 157.

ва араб-ўзбек муносабатларида ҳам жиддий роль ўйнашда давом этади. Шу муносабат билан кўп нарса Сурия ва Афғонистон барқарорлигига, Яқин Шарқда Эрон-Саудия Арабистони кескинлигини камайтиришга боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

1. شاه موساروف ، شاه رستم. علاقات المملكة العربية السعودية مع الجمهوريات الإسلامية في وسط آسيا و القوقاز (أوزبكستان - قازاقستان - أذربيجان). 2002 م
2. إبراهيم المطرف: "العلاقات الاقتصادية بين الجمهوريات الإسلامية في آسيا الوسطى والمملكة العربية السعودية"، في: ندوة مستقبل العلاقات العربية مع الجمهوريات الإسلامية في آسيا الوسطى. الرياض: معهد الدراسات الدبلوماسية، 1996
3. صالح الراجحي. "الأوضاع الاقتصادية في جمهوريات آسيا الوسطى وأثرها على الجدوى الاستثمارية ومستقبل العلاقات التجارية مع دول مجلس التعاون الخليجي". // التعاون، العدد 11 (44) ديسمبر 1996
4. محمد السيد سليم، شادي، عبد العزيز، خربوش، محمد صفى الدين. علاقات مصر بدول رابطة الدول المستقلة والبنانيا والبوسنة والهرسك ومقدونيا ومنغوليا. جامعة القاهرة، 2000 ص-236
5. Абд ал-Алим. Инхийар ал-Иттихад ас-Суфийатий ва таъсиратух ала ал-ватан ал-арабий ал-Қахира. Марказ ад-дирасат ас-сийасийа ва ал-истратиджийа би ал-Ахрам, 1993; “Ал-Ватан ал-Арабий ва Кумунвелс ад-дувл ал-мустақбал”, ал-Қахира: Маҳад ал-бухус ва ад-дирасат ал-арабийа. 1995; “Мустақбал ал-алақат байна ал-арабий ва дувал Асиа ал-Вуста ал-исламийа”, ар-Рийад: Маъхад ад-дирасат ад-дипламасийа.
6. منتدى الاقتصاد والتعاون العربي مع دول اسيا الوسطى وجمهورية أذربيجان أبوظبي في 13 مايو 2014.: مايو
7. Мунавваров З.И. Страны аравийского полуострова в международных политических и экономических отношениях XX века. — Ташкент, 1997.
8. ندوة مستقبل العلاقات العربي مع الجمهوريات الإسلامية في آسيا الوسطى. الرياض: معهد الدراسات الدبلوماسية، 1996 ص. 53